


ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

**Хирмонлар донга тўлди,
Тандирлар эса нонга!**

 **Хушxabар**

8 ЁШЛИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторовнинг эришган юксак ютуғи ватандошларимиз қалбига гурур бағишлади

Словениянинг Марибор шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг ёш шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.



Халқаро шахмат федерацияси ташкил этган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг 91 мамлакатидан 1584 нафар шахматчи иштирок этди.

Саккиз ёшгача бўлган болалар беллашувида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов мағлубиятсиз дона сурган ягона шахматчи сифатида эътироф этилди. У тўққизта галаба ва иккита дурангга эришиб, 10 очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Бу умидли спортчимизнинг халқаро майдондаги иккинчи йирик галабасидир. Нодирбек ўтган йили Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам мағлубиятсиз ўйнаб, олтин медалга сазовор бўлган эди.

Чемпионатда муваффақиятли қатнашган ФИДЕ устаси Темур Игонин, Ортиқ Неъматов, Шамсиддин Воҳидов, Сарвиноз Курбонбоевалар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

“ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият” газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.



ҲИКМАТ

Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Жан ПОЛЬ



Конференция олдидан

ОНАСИНИНГ ҚИЗИ

— Аёлнинг зиммасида бажариш керак бўлган вазифалар жуда кўп. Бошқалар нима дейди, билмадиму, ammo улар орасида энг масъулиятли оплани асраб қолиш, — дейди Самарқанд вилояти, Ургут туман тиббиёт коллежи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот раиси Сайёра Ботирова.



— Бугунги кунда ўқитувчи, тадбиркор, жамоатчи аёл сифатида танилишингизда сизга намуна бўлган инсонлар ҳақида гапириб берамиз.

— Ҳар бир одамнинг умр йўлига аввало у тугилиб ўсган оилада асос солинади. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларида йиқилсам суяб турғазган, ёшлик қилиб хатога йўл қўйсам, тўри йўлга бошлаган инсон раҳматли онажоним Ойтўра Ҳамроева бўлганлар. Онанинг айтишларича, улар учинчи синфда ўқибётган вақтларида оталари урушга кетган экан. Бобом саккиз ёшли қизчасини барига босиб: «Мен урушга кетаяпман, қизим. Сен энди онанга ёрдамчи бўлиб, йўқлигини билдирмагин», деб қаттиқ тайинлаган экан. Бир умр отасини кутиб яшаган онам кичкина бўлишига қарамай, онасига эргашиб, катталардек меҳнат қилганлар. Олти фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли қилди. Кексайган чоғлари ҳам тиниб-тинчимасдилар. Уйимизга меҳмон бўлиб борсам, невараларини ёнига олиб, томорқада картошка экаётган ёки помидорларни чопик қилаётган бўларди. Бизлар бирор юмушни бошлаб охирига етказмай қўйганимизни эшитса, қойиб берарди. «Мен учинчи синф маълумотим билан шунча натижаларга эришдим, сизлар олий маълумотли бўлатуриб юртингиз корига ярамасаларинг уят бўлади» дердилар. Базван айрим муаммоларга дуч келган пайтларим уйимиз тўрида осиглик турган суратларига қараб, «Онажон, кўнглингиз тўқ бўлсин, энди ортга йўл йўқ. Ахир мен сизнинг қизингизман-ку», деб ўзимни юпатаман.

— Оилани мустаҳкамлаш, унинг тинч-тотувлигини сақлашда катталарнинг ўрни қандай бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

— Уйимизда кенжа қиз бўлганим учунми, тўғриси, менига тегишли уй юмушларини опаларим бажариб қўйишарди. Бадиий китоб қўлимдан тушмасди. Кейинчалик опа-сингиллар ҳаммамиз худди қабтарлардек турли томонларга учиб

кетдик. Менимча, ҳар бир қиз турмуш қуришдан аввал мен мустақил ҳаётни бошлашга тайёрманми, йўқми, деган саволни ўзига бериши шарт деб ўйлайман. Чунки менинг ўзим келин бўлганимдан кейин тажрибасизлигим туфайли кўп бора панд едим. Бегона оилаларга кўникиб, уларнинг муҳитига сингишиб кетганимча тўрт-беш йил ўтди. Эсимда, бир кунни жуда қийналиб кетиб, онамга дардимни ёрдим. Қарангки, у киши қизининг ёнини олиш ўрнига, аксинча мени қаттиқ қойиб бердилар. Оилани асраб қолиш ҳам мардларнинг иши, болам. Қўлингдан шу ишни урдалаш келмаса, мен элнинг орасида қандай бош кўтариб юраман, деб айтган аччиқ танбехлари мен учун катта сабоқ бўлди. Шу-шу қайтиб шикоят қилмадим.

Яқинда бир маҳалладошимиз катта тўю-томоша қилиб қиз узатди. Орадан икки ой ўтар-ўтмай, кўч-кўрони билан қайтиб келса бўладими. Нима эмиш, янги келинчак қайнотаси билан чиқишмабди. Овқатни мазалироқ қилинг, узунроқ қўйлак қийиб юринг, деб дакки бераверганимдан безор бўлганимиз. Уч-тўрт нафар маҳалла фаоллари аёлни ўртага олиб, насиҳат қилдик. Икки томон ҳам бир-бирларини тушунишди. Илгари бир болага етти маҳалла ота-оналик қилган. Назаримда бугун одамлар «Сен менга тегма, мен ҳам сенга тегмайман» қабилида иш тутишга ўтиб олишган. Менимча, биз катталар ёшларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туришига бефарқ бўлмастлигимиз, айниқса аёллар қиз бола тарбиясида жуда хушёр ва зийрак бўлишлари зарур. Келинларимиз муомала, қийиниш, уй-рўзгор тутиш сирларини қайнонасида ўрганмаса, кувё йигитларимиз отасидан ибрат олмаса, кимдан ўрнак олади?

— Ўзингиз қайнона сифатида келинларингизга қандай ўрнак кўрсатаёписиз?

— Тўрт нафар ўғлим бор. Икковини уйли-жойли қилдик. Икки келинимни ўқиб, излашнилари учун шароит яратиб бераман. Йигирма олти йилдан буён оиламизда қиз бола тур-

лишини кутардик. Яқинда катта келиним қизчали бўлди. Исмини Ораста қўйдик. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан ўтган йилдан бошлаб мактаб ҳамда коллежларда «Ораста қизлар» клуби ташкил этилган эди. Ораста қизлар йўриқномаси бизнинг коллежимизга нур олиб келди, десам муболаға бўлмайди. Ушбу клуб фаолият бошлаганидан буён биз кўплаб иқтидорли ёшларни кашф этдик. Спорт, таълим, тадбиркорлик соҳасида ўқувчи қизларимиз ўзларининг иқтидорларини намойиш этиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритишди. Неварам Орастахон Зулфияхоним қизларига издшо бўлсин деб ният қилман.

— Айтинг-чи, сиз фаолият олиб бораётган коллежда эрта никоҳнинг олдини олиш масаласи борасида қандай ишлар қилинаёпти?

— Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Саодат Ҳакимова раҳбарлигида маҳалла маслаҳатчилари, имом-хатиблар иштирокида ҳар ойда ўтказиб келаётган тадбирларимиз ўз самарасини бераёпти. Ўтган йилдан бошлаб қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатлари анча камайди. Қолаверса, коллежимиз ўқувчиларининг ота-оналари қизим ўқишни тугатмагунча турмушга узатмайман, деган мазмунда тилхат ҳам ёзиб беришяпти. Агар қайси ота-она бу келишувга амал қилмаса, фарзанди ўқувчилар сафидан ўчирилади.

— Эшитишимизча, коллежда тадбиркорликни ҳам йўлга қўйган экансиз?

— Биласиз, Ургут аёллари азал-азалдан қўлигул чеварлиги, моҳир хунарамдиги билан доврўф қозонган. Бугун коллежимизда таълим олаётган қизларнинг аксарияти шундай чевар аёлларнинг фарзандлари, неваралари-да. Буюртма асосида қизларимиз дарсдан бўш вақтларида дўппи, қоқмалар тиқишмоқда. Эндиликда қўшни вилоятлардан келиб ўқиётган қизларимиз ҳам уйдан пул келишини кутиб ўтиришмайди. Коллежимизда «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», «Қўли гулди ўзбек қизларин» каби мавзуларда давра суҳбатларини уюштириб, тадбиркор аёлларни тақлиф қилаёпмиз. Ҳар ишда чакчон, уддабурон аёлларнинг ташрифлари қизларимизга янада ғайрат-шижоат бағишлаяпти. Шунингдек, ободонлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Илм масканимиз худудидаги майдонга экилган картошка, пиёз, кўклатлар бизга жуда асқотмоқда.

Раҳматли онамнинг айтган ушбу сўзлари ҳамон хотирамдан ўчмайди: «Ўтаётган ҳар бир кунингнинг қадрига ет, вақтни ганимат бил, юк кўтарган инсон албатта юзага чиқади», дердилар. Шахсан мен ана шундай табаррук зотнинг босган йўлларидан юриб асло кам бўлмадим. Бутун оила аъзоларимга, барча ёш оилаларга ҳам ана шундай ойдин ҳаёт тилаймман.

«Оила ва жамият» муҳбири
Нигора РАҲМОҶОВА
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Жорий йилнинг 1 ноябридан бошлаб хотин-қизлар кўмиталари тизимида навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилмоқда. Айни пайтга қадар республикамизнинг 164 га яқин туман-шаҳарларида ушбу масъулиятли тадбир бўлиб ўтди.

Республика матбуот ва ахборот агентлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимидаги ҳисобот-сайлов конференцияси олдидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Бошқарув аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик, идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этди.

Мулоқотда мамлакат аёлларининг тақдирига бевосита алоқадор бўлган мазкур анжумани Президентимиз таъкидлаганларидек, аёлларнинг оғирини енгил қиладиган, оилаларда фаровон ва соғлом муҳитни бунёд этиш чораларини кўрадиган, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини такомиллаштириб, нуфузини оширадиган даражада ўтказиш борасида сўз юритилди. Бунинг учун нафақат хотин-қизлар кўмитаси, балки бутун мамлакатимизнинг фаол, обрўли аёлларининг асосли фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва ташаббусларини тинглаб, уларни ҳар томонлама фаоллик ва ҳамжихатликка қорлаш лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова қатнашди ва сўзга чиқди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтадиган кунлар:

- 20 ноябрда — Жиззах ва Сирдарё вилояти
- 21 ноябрда — Бухоро ва Навоий вилояти
- 22 ноябрда — Андижон, Наманган, Фарғона вилояти
- 23 ноябрда — Қашқадарё, Сурхондарё вилояти
- 24 ноябрда — Тошкент вилояти
- 26 ноябрда — Тошкент шаҳри
- 27 ноябрда — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти
- 29 ноябрда — Самарқанд вилояти

Қарор ва ижро

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» БОШЛАНДИ

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига эҳтиёжлари бирмунча ортиши билан ёнгин хавфи ҳам кескин ошади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрда қабул қилинган қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар республикамиз худудида «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — «Иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ошириш»дан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан мазкур тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда, таъкидлашимизки, бу давр мобайнида ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юрдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси.

КОРХОНАДА УЧРАШУВ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий,



ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда аёл зотининг ҳурмати ва кадр-қимматини янада улғаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси, десак муболаға бўлмайди. Республикаимизнинг турли корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ҳам ана шундай эътиборга ўзларининг нуносиб меҳнатлари билан жавоб беришмоқда.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида "Ўзэлектроаппарат-электрошит кўшма корхонаси" ОАЖда ўтказилган тадбирда ҳам хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида сўз юритилди.

— Корхонамизда 1132 нафар ишчи-хотин бўлиб, улардан 385 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади, — дейди **мазкур жамоа хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот раиси Умида Раззоқова**. — Бу ерда хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча енгиллик ва имкониятлар яратилган. Ишдан бўш вақтида шуғулланишлар учун жи-

ҳозланган спорт зали, турли тўгараклар мавжуд. Шунингдек, корхонамизнинг тиббий санитария қисмида стоматолог, терапевт ҳамда ҳамшира хизмати йўлга қўйилган.

— Бу корхонада 31 йилдан буён меҳнат қилиб келаман, — дейди цех устаси Мастура Ёвқочева. — Энди иш бошлаганимда 18 ёшли қиз эдим. Бугун ўзим устоз даражасига етдим, десам ҳам бўлади. Ҳозир 16 нафар шогирдларим бор. Очиғи, ёшларимизнинг меҳнатга, билимга чанқоқликларини кўриб, ҳавасим келаяпти. Уларнинг малакалари ортишига қараб, ойлик маошлари ҳам ошиб боради. Ўзимнинг уч нафар фарзандим бор. Катта ўғлимни олий маълумотли бўлишида корхонамиз касабаси кўмитасининг ёрдами катта бўлди.



Қизим Дурдона ҳам шу ерда меҳнат қилаяпти.

Қизгин мунозара шаклида ўтган давра суҳбатиде корхона хотин-қизлари ўзларининг қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Нигора АЛИШЕР ҚИЗИ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Инсон ҳуқуқларининг узвий қисми бўлган бола ҳуқуқлари муҳофазаси юртимизда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас. Зеро, юртимизда 18 ёшга тўлмаганлар жами аҳолиимизнинг 40 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда шахсан Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Катталар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, "Ёшлар йили", "Соғлом авлод", "Она ва бола", ва ниҳоят бугунги кунда амалда бўлган "Мустақам оила йили" каби Давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши орқали ёш авлодининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Маълумки, 1992 йил 9 декабрда мамлакатимиз илк халқаро ҳуқуқий ҳужжат "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияга қўшилган бўлиб, айни

пайтда ушбу ҳужжатда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча чора-тадбирлар белгилаб берилган. Уларнинг ижроси бўйича Миллий маърузалар мунтазам равишда БМТнинг Бола ҳуқуқлари кўмитасига тақдим этиб келинмоқда.

Республикамизда бугунги кунда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни тартибга солувчи қонунчилик тизими яратилган. Жумладан, мазкур тизим Конституция, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни, шунингдек, соҳага тегишли масалаларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан

қонунларни қўллаш амалиёти ҳақида"ги қарориде вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, ота-оналарнинг бола-лар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш, ажрашган ота-оналар боласининг ким билан яшашини белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва шу ҳуқуқни тиклаш, гайриқонуний фарзандликка олишни бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқа низолар суд томонидан кўриб чиқишига доир масалалар белгиланган.

Маълумки, болалар ҳуқуқбузарлиги, жиноят содир этганлик учун уларни жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят турлари ва судлар, шунингдек, ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари каби маззуларни қамраб оладиган тушунча — ювенал юстициядир. Ювенал

юстиция халқаро атама бўлиб, вояга етмаганлар суди маъносини англатади.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни қучайтириш, бу тоифадаги жиноятчиларга нисбатан одил судловни амалга оширишга қаратилган қонунчилик тизимини такомиллаштириш ҳақида сўз борар экан, аввало, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ювенал юстиция жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Сир эмаски, ҳамма жамиятда ҳам ижтимоий аҳволи оғир, муаммоли оилалар учрайди. Бундай муҳитда улғайган болалар тарбияси алоҳида эътибор ва қузатувни талаб этади. Уларнинг тарбияси, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси давлат органлари қатори нодавлат ташкилотлар, маҳалла ва қўниқўшиллар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Бунга қўшимча тарзда иختисослаш-

Хизмат юзасидан турфа инсонларга, турли ҳолатларга дуч келамиз. Кечагина никоҳини қайд қилишимизни сўраб келган ёш келин-куёвлар орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ажралиш учун ариза кўтариб келишади. Уларга оила муқаддаслиги, турмуш чорраҳаларида учрайдиган қийинчиликларни енгган инсонларгина бахтли бўлиши мумкинлигини тушунтириш учун баъзан ойлаб вақт сарфланади.

Дарҳақиқат, ажралиш сўнгги бекат эмас, балки изтироблар, ташвишлар, муаммолар гирдоби демақдир. Очиғи, айрим ёшларимизнинг пухта ўйламасдан, ўткинчи хою-ҳавасларга берилиб, оила қуришга тайёرمиз, деб ўйлаётганлари, ота-оналарининг маслаҳатларига қулоқ тутмасдан, сабрсизлик қилаётганларини кўриб ачинасан, киши.

Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот масалаларига ҳар қачонгидан ҳам кучли эътибор қаратилмоқда. Жумладан, туманимиз ФХД бўлимида бу борада "Оила дорилфунуни", "Ёш оила мактаби" ўқув машғуллари мунтазам ишлаб турибди. Унда оиланинг ҳуқуқий-маънавий асослари, никоҳ шартномаси, тўйдан олдинги тиббий кўрик каби маззулардаги ўқувлар ёшларимизнинг янги ҳаёт остонасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англашларига кўмаклашаётганига аминимиз. Зеро, кейинги йилларда никоҳни бекор қилиш, ёлғиз оналар сони, оталикни белгилаш каби

кўнгилсиз ҳолатларнинг камайиши юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Албатта, ушбу муваффақиятларга Адлия вазирлиги ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган юзма-юз мулоқот, давра суҳбати каби турли тадбирлар, берилаётган ҳуқуқий тавсиялар, шу-

Оила ҳуқуқи

КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОФИРИ БЎЛМАС

нингдек, фуқароларнинг онгига ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқлари билан бирга бурчларини ҳам билиши тўғрисидаги ташвиқот, энг муҳими, уларнинг қонунлар туб моҳиятини тушуниши натижасида эришилмоқда.

Айтиш керакки, оила қуриш ҳақида бизга ариза бериш учун келган бўлажак келин-куёвдан никоҳ шартномаси тузиш ҳусусидаги фикрларини сўрасак, деярли барчасига бу таклифимиз эриш туюлади. Кўпчилик ёшларимизга гўёки бу ҳолат қурилажак оиланинг обрўсига путур етказадигандек туюлади. Аксинча, мазкур шартнома улар ўйлаганидек, оила бузилганда мол-мулкни ажрим қилиш учунгина керак бўладиган "қоғоз" эмас, балки эр-хотин муносабатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи, оила мустақамлигига хизмат қилувчи асосий ҳужжат эканлигини тушунтираемиз.

Сайёра ЖУМАНОВА,
Кармана тумани
ФХД бўлими mudiri.

Спорт ва экология

ИБРАТЛИ ОТАХОНЛАР

Она табиатни асраш, экологик муҳитни янада яхшилаш, шубҳасиз, инсонлар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамияти касб этади. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимида ва Бўка туман ҳокимлиги ташаббуси билан "Гиёҳвандликка қарши кураш, экология ва саломатлик" мавзусида бўлиб ўтган семинарда айнан ана шу долзарб мавзуларда сўз юритилди.

Семинарда Оққўрғон туманидан таклиф этилган кекса спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари, ўз саломатликларини асраш ва тиклаш борасида олиб бораётган хайрли ишлари бўқалиқларда чуқур таассурот қолдирди.

— Бугунги тадбирда нуруний отахон ва онахонларнинг доимо соғлом ва бардам бўлиб юришларида спорт ва экологиянинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини жамоатчилик орасида кенгроқ тарғиб этишимиз керак, — дейди Бўка тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Абдураҳул Акмалов. — Бундай инсонлар жисмоний ва ақлий жиҳатдан ҳам ҳаммиша фаол бўлишади.

Пардабой ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ: ҚОНУН МУҲОФАЗАСИДА

Жараён

ган одил судлов тизимини мустақамлаш ва ривожлантириш, болалар муаммолари билан шуғулланадиган ижтимоий ходимларни, ювенал адлия масалалари бўйича психологларни тайёрлаш орқали вояга етмаганларга психологик ёрдам кўрсатиш тизими ва механизмларини яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Вояга етмаганлар билан боғлиқ одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим ва долзарблигини инобатга олиб, амалиётга ювенал юстиция институтини жорий этиш тўғрисида бир қанча муҳим масалалар ўз ечимини топади. Бу нафақат ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни, балки умумий жиноятчиликни камайтиришга, ювенал адвокатурани ташкил этиш орқали адвокатура фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Зулфия НИЗАМУТДИНОВА,
Шайхонтоҳур туман
1-сонли ДНХ нотариуси.

“Олманинг тагига олма тушади” деган пурмаъно ҳикмат бежиз айтилмаган. Феъл-атворимиз, ташқи ва ички қиёғамиз, ҳуллас, яхши ва ҳатто ёмон фазилат ва хусусиятларимиз ҳам ота-онамиздан мерос эканлиги исботланган оддий ҳақиқат. Агар касбу қор, илму ҳунарда ҳам уларнинг изидан кетсак, омадим чопди деяверинг. Бу борада айниқса, оталарга жиддийроқ масъулият юкланади. Чунки шу йўл орқали сулоламиз бардавом бўлади, элда эъзоз топамиз. Ота дуосини олган фарзандлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

Сайфиддин ЭРМАТОВ,
олий тоифали мураббий,
республика тоифасидаги
ҳакам:



— Ҳовлимиз Лабзак массивидаги “Островский” боғига тутшиб кетган эди. Болалигимизнинг асосий қисми шу боғдаги футбол майдонида ўтган. Футбол атрофимдаги тенгдошларим қатори менинг ҳам ҳаётим мазмунига айланган эди. Қизиқишим шунчаки ҳавас эмас экан, бу спорт тури билан жиддий шугуллана бошладим, аммо оилавий шароитлар тўғри келмаганлиги сабабли профессионал футболчи бўлолмадим ва мураббийлик, ҳакамлик қила бошладим. Ўғлимнинг яхши футболчи бўлишини, ўзим эришмаган ютуқларга фарзандим етишишини жуда-жуда хоҳлаганман. Шу боис уни эртароқ футбол мактабига берганман. Афсуски, Равшан тўрт ёшлигида велосипед учаётиб, оёғидан қаттиқ жароҳатланган ва узоқ вақт касалхонада даволанди. Шу жароҳати барибир йиллар ўтиб ўз таъсирини кўрсатди шеклли, биринчи лигада ўйнаб юрган пайти кимдир тўпигага тепиб олди ва ўшар жароҳати янгилади, футболдан кетишига сабаб бўлди. Тўғриси, у аввалгига бироз тушқунликка ҳам тушди. Охири ёнимга олдим. Менга ёрдамчи мураббий бўлиб юрди. Бир куни футбол бўйича ёшлар ўртасида шаҳар биринчилиги ўтказилаётган эди. Ўйин бошланиши керак, ҳакам йўқ. Шунда таваққал қилиб, мен Равшанга хуштакни топшириб, “Сен ҳакамлик қиласан”, дедим. Чунки ўғлимга ишонардим-да. У қатъиятли, масъулиятни ҳис эта оладиган, ҳалол бола эди. Бироз ақилланди-ю, менинг сўзимни икки қила олмай, зўрга рози бўлди. Қарасам, ундан тузуккина ҳакам чиқадиганга ўхшайди. Шундан кейин Равшан бутун эътиборини шу соҳага қаратди. Олий даргоҳда ўқиш билан бирга, инглиз тили курсларига ҳам қатнаб, ўз устида қаттиқ ўшлади. Унга видеокамера сотиб олиб бердим. Ҳар бир ўйинни мусобақадан кейин кўриб, ўз хато-камчиликларини таҳлил қиларди. Шундай қилиб, у нафақат Ўзбекистонда ўтказилган мусобақалар, балки Осиёга, дунёга ҳам чиқиб, ўзини кўрсатди. Бошида футболчиликдан кетганида қанчалик кўнглим ранжиган бўлса, Халқаро тоифадаги ҳакам сифатида фаолият олиб борган

нида шунчалик қувонганман.

Равшан ЭРМАТОВ,
халқаро тоифадаги
ФИФА рефериси, “Ўзбекистон
ифтихори” соҳиби:

— Яратган бир эшикни ёпса, иккинчисини албатта очади, бундан ҳеч ҳам ранжисмаслик, аксинча, яхшиликка йўйиш керак, дейишади. Дарҳақиқат, футболда энди ижобий натижаларга эришиб, ўз йўлимни топаман деганимда, жароҳат туйғали майдонга чиқишимга руҳсат беришмади. Лекин қарангки, иккинчи эшик очилиб, ҳакамликка ўтиб кетдим. Тўғриси, дастлаб дадам менга бу вазифани юклаганларида бироз эсанкираб қолганман. Чунки мен футболга олд ҳеч қандай қонун-қоида билмасдим-да ўша маҳаллари. Ёнимда ҳатто қизил, сариқ рангдаги карточкаларим ҳам йўқ эди. Менимча, отамнинг барча ўйинларини телеэкран орқали кузатганим, у кишининг фаолиятига бефарқ эмаслигим менга қўл келди.

Яхши ҳакам бўлиш учун нафақат тил, балки педагогика, психологияни ҳам чуқур ўрганиш кераклигини англадим. Чунки ўйинчиларнинг руҳиятини яхши тушунамсангиз, уларнинг характери, қандай вазиятда қанақа иш тутишини англаб етолмайсиз. Ўйиндан олдин жамоадаги ҳар бир ишти-



роқчи ҳақида етарлича маълумотга эга бўламан. Уларнинг ўйнаш услуби, тактикаси, ким кўпроқ қондан бузади, қайси сариқ карточка олишга мойиллиги бор — ҳаммасини батафсил ўрганиб чиқмасам, ўйинни ҳаққоний бошқара оламан.

Оилада бош ўғилман. Отам анчагина қаттиққўл, тартиб-интизомни биринчи ўринга қўядиган инсон. Шу боис ҳар доим машғулотларга ўз вақтида борганман. Мактабдаги дарсларимни ҳам вақтида тайёрлаганман. Майдонда қанчалик интизомга риоя қилсак, шахсий ҳаётда ҳам режа билан ишлаш, тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш — менинг одадий вазифам. Баъзан хато қилсам, дадам қаттиққўллик қилиб жазо ҳам берардилар, шунингдек, ўз вақтида рағбатлантиришини ҳам билардилар. Агар бирор топшириқни ўз вақтида бажармасак, икки баҳо олсак, шанба, яқшанба кунлари бобом ва бувимларникига боришдан мусово бўлардик. Бу эса биз учун энг катта жазо эди. Ёки биринчи марта тўққиз ёшимда чоракни аъло ва яхши

Сулола

лан қараганман. Агар у ўйин олдида ўтказилган йиғилишга 3-4 дақиқа кечикиб келса, биринчи тартибга киритмасдим, ва у бунга тўғри қабул қиларди. Азаматдан ҳозир ҳам

яхши мураббий чиқишига ишонаман. Бунинг учун унда тажриба ҳам, иқтидор ҳам, масъулият ҳам етарли.

Азамат АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган спортчи, “Шухрат” медали соҳиби, **Осиё ўйинлари чемпиони (1994):**

— Биласизми, ота ва бола битта соҳада бўлиши баъзи ҳолларда яхшидир балки, аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор: отам ўз даврининг юлдузи, XX асрнинг афсонавий футболчиларидан бири бўлган.



— Азамат ўғлим футболни бироз кечроқ бошлаган. Чама-си 13 ёшда эди-ёв. “Сендан яхши футболчи чиқармикан?”, деб шубҳаланганман. Шунда у, мардона туриб “Дада, кўрасиз, мен албатта яхши спортчи бўламан”, деган. Ростданам, кейин киш демай, ёз демай, иссиқ-совуққам парво қилмасдан тинимсиз шугулланди. Дастлаб у Москвадаги “Лужники”да ўйнади. Жамоаси билан собиқ иттифоқ чемпиони ҳам бўлишган. 19 ёшида эса Эквадор билан бўлган ўйин бошида гол киритди. Ушанда бутун мухлислар “Ота ўғил бўлибди”, дея тан беришган. Тўғриси, ўзим ҳам ўша ўйиндан кейин Азаматни футболчи сифатида тан олганман. У билан битта жамоада бир неча маротаба бирга ишлашимизга тўғри келди. Доим ўзига ишонади, ҳеч қачон менга суянаман. Чунки футбол дегани мардлар майдони-да. Ўйинда таниш-билишчилик, ота-болалик кетмайди. Ўзингда борини намойиш этасан. Ўзимникини мақташ эмас-у, Азамат футболни ақл билан ўйнади. Унда иқтидорни ҳам, жисмоний бақувватлиқни ҳам кўриш мумкин. Лекин футболчи Биродар Абдураимовнинг ўғли бўлиш унга ҳам осон кечмаган.

Биз Азамат билан бу жавабгарликни чуқур ҳис қилган ҳолда елкама-елка ишладик. У жамоани жипслаштиришга ўз хиссасини қўшарди. Чунки командадаги ўн киши мени ёқтирса, қолгани ёқтирмаслиги мумкин. Бу табиий ҳолат. Бироқ мен ҳаммага, шу жумладан, Азаматга ҳам бир хил талабчанлик, қаттиққўллик билан

Шунинг учун мен майдонга чиқдимми, у киши билан солиштиришлари бегумон. Кимдир, қани, отаси эришган мутаваффақиятга ўғли эришармикан, деса, яна бошқаси “Э, қаёқда, отасидек ўйнамайди”, дерди. Бу эса футболчининг руҳиятига таъсир қилмай қўймайди. Шунинг учун ҳам мен ўз устимда ишлаб, “Фалончининг ўғли” эмас — Азамат Абдураимов, яъни ЎЗИМ бўлишга ҳаракат қилдим. Тўғри, отамнинг ўзигагина хос финтлари, услублари бор. Лекин мен ҳаммиса улардан нусха олишдан қочдим. Ҳар қандай кўчирилган нусха аслиятнинг ўрнини босолмайди, деган иборани ёдимда тутдим. Иқтидор қондан ўтгани шубҳасиз, аммо яхши футболчи бўлиш учун бунинг ўзи камлик қилади. Агар иқтидорни ҳам ривожлантириб, бир маромга етказмасангиз, у ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Бу билан отамдан ҳеч нарсани ўрганмаганман, дея олмайман. У кишининг футболга бўлган муносабати, таърибаси менга катта мактаб бўлган. Аммо, боя айтганимдек, ўзимга хос тўп тепиш услубим бўлиши учун анча тер тўкканман.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасида фаолият юритяпман. Футбол отамдан ўтган бўлса, журналистика — онамдан мерос. Характерим, ички дунём кўпроқ у кишига яқин. Балки отам билан буржимиз, онам билан муҷалимиз бир хиллигидандир. Янаям билмадим...

“Оила ва жамият” муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
ёзиб олди.



ТАҚИМ — тилимизда оёқнинг тиззадан букиладиган жойи тақим деб аталади. “Сочи тақимиға тушади” деган ибора ҳам шундан. Бу сўзга асос бўлган “тақ” феъли асли “биркит”, “бириктир” деган маънони англатган. Дарҳақиқат, тиззада ва тақимда оёқ қисмлари бириктирилган бўлади. Шунингдек, от тўғи остига миҳланадиган тақа ҳам асли шу “бириктир” мазмунидаги “тақ” феълдан пайдо бўлган.

Мен ўйловдимки,
улоқни тақимга босиб
келасиз, бу ерда қозон
осамиз деб...

Ойбек

ТАРҒИЛ — тилимизда “тарғил сизир” деган бирикма кўп ишлатилади. Лекин, “тарғил” сўзининг маъносини ҳамма ҳам билвермайди. “Тарғил” — “йўл-йўл сарғиш ва қорамтир рангли” деган мазмунни англатади. “Ўзбек тилининг этимология лугати”да изоҳланишича, бу сўздаги “тар” феъли қадимда “тарқат”, “бўлак-бўлак қил” деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, “тарғил сизир” танасида сарғиш ва қорамтир ранг йўл-йўл ҳолида, алоҳида тарқалиб, бўлиниб туради.

Сизир олсанг, таниб ол,
таний олмасанг,
тарғил ол.

Мақол

УНВОН — “Унвон” сўзининг туб илдизи сарлавҳа, ном, белги, рамз маъноларини англатади. Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиладиган ва берилган ном шу сўз билан ифодаланади. Шунингдек, мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатилганлик ҳақидаги ёзув ҳам шу сўзда ифода топади.

Профессорлик унвони.
Халқ артисти унвони.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Истиқлол имкониятлари

ЯНГИҚЎРҒОНГА БИР КЕЛИНГ!

— Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, хотин-қизлар ҳаётида мислсиз ўзгаришлар рўй берди, — дейди Янгикўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Қосимова биз билан суҳбатда. — Туманимизда бугунги кунда қарийб икки юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шундан 98 минг 500 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Худудимизда айни пайтда 69 та маҳалла фуқаролар йиғини, 61 та мактаб, 45 та мактабгача таълим муассасаси, 9 та коллеж, 30 га яқин тиббиёт мусасасалари фаолият юритмоқда. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мақсадида кўмитамиз қошида



“Зулфияхоним қизлари”, “Иқтидорли қизлар” тўғараклари, “Раҳбар аёллар” клуби, “Тадбиркор аёл” уюшмалари ишлаб турибди. Бу йил кўмитанинг бошланғич ташкилотлари ўртасида 4 та йўналишда “Энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти” кўрик-танлови ўтказилди. Шуниси қувончлики, ушбу танловнинг республика bosқичида туманимиздан агросервис ва транспорт коллежи бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси Эъзоҳон Азизова ҳам иштирок этди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашим кераки, йил давомида туманда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 267 та корхона, ташкилотлар ҳамда фермер хўжаликлари ўзларининг 1450 та бўш ўринлари билан иштирок этишди. Уларда 687 нафар аёллар иш билан таъминланди. Туманда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда “Ширинбон”, “Шарқ юлдузи — замин гавҳари”, “Шавкат Шукур”, “Дилнур Саҳо” хусусий фирмалари ҳамда кўплаб тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

— Минг эшитгандан кўра, бир кўрган афзал дейишди, шунинг учун яхшиси, тумандаги айрим корхоналар иши билан танишинг, — деди суҳбатимиз якунида Гулнора опа бизга юзланиб.

Шу куни туманнинг чекка худудида фаолият олиб бораятган “YANTEKS” МЧЖ раҳбари Раҳимжон Холмирзаев жамоаси томонидан олиб борилганда 3370 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Мухаррам опа. — Маҳалланинг тинч-осойишталиги, одамларнинг тотув-иноқлигида маслаҳатчи Сабоҳон опа Сотиболдиева, посбон қизимиз Зиёда Исмонжонованинг ўрни бекиёс. Мақтанишга йўймасангиз, маҳалламиздаги хар бир хонадонни намунали оила сифатида мисол келтиришим мумкин. Боиси, маҳалламизда мана бир неча йилдирки, ноябрдан июльгача, жунда қўриқчилик, оила бузилиш ҳолатлари содир бўлмади. Бунинг ҳикмати албатта, кайвони отахон-онахонларимизнинг ўғитига қулоқ солганимиз деб ўйлайман. Масалан, маҳалла



давру даврон ҳеч қачон бўлмаган. Тақдирнинг инъомини қарангки, Худо бизга тўрт ўғил ато этди. Авваллари қизларим йўғидан афсусланиб ўксинардим. Болаларим ўз жуфтларини топиб, ҳаммаси бахтли оила соҳиблари бўлишди. Келинларимни ҳам келин эмас, қизим деганим боис, улар ҳам фарзандимиздек бизларга меҳрибон бўлишди. Ҳаммаларини ўқиган, зиёли инсонлар. Айтилик, Дилфуза, Гулнора, Нилуфар келинларим шифокор, тўнғич келиним Раъноҳон эса мактабда рус тилидан дарс беради. Ўғилларимнинг барчаси ўз касби-кори, ҳунарининг моҳир мутахассислари

лаётган ибратли ишлар билан танишдик. — Наманган давлат тўқимачилик институтини тугаллаб қишлоғимизга қайтган, менда маҳаллий хотин-қизлар учун каттароқ бир тикувчилик корхонасини очсам деган ният туғилди, — дейди Раҳимжон ака. — Уша вақтларда тадбиркорликка энди-энди йўл очилаётган кезлар эди. Орадан кўп ўтмасдан, 2007 йилда 35 нафар ишчи ўрни билан иш бошлашга муваффақ бўлдик. Ёш жувон-қизлар қаторида йигитларимиз ҳам иш билан таъминланди. Мана бугунги кунга келиб ниятларимиз ижобат бўлиб, ишчиларимиз сони 65 нафарга этди. Корхонамизда асосан эркаклар ички кийимларининг 20 хили ишлаб чиқарилади. Машрабхон Дехқонова, Раҳматхон Абдуразоқова, Бахтихон Мирзақбарова, Соҳиба Топшўлатова каби бичувчи ва тикувчиларимизнинг меҳнати таҳсинга лойиқ. Яна бир янгилик, ўтган йили туман марказида корхонамизнинг тўқши цехи ишга туширилиб, қўшимча яна 4 та ишчи ўрни яратилди.

Тумандаги “Бешбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухаррам опа Алихонова билан кечган мулоқотимиз янада қизиқарли бўлди. — Маҳалламиздаги 620 та

яраштирув комиссияси раиси Турғунбой ота Ҳайитбоевлар хонадонини олайлик. Доноҳон опа ва Турғунбой отанинг оила қуришганига бу йил роплароса 50 йил тўлди. Бу хонадонга ҳамманинг ҳаваси келди. Маҳалла раиси шу баҳонада ўзи фахр билан тилга олган сариштали ҳолига бизларни бошлади. Эрта-индин қиш ашиқ қоқиб турган маҳаллада хонадон ҳовлисида мисоли баҳор тароватини берувчи анвой гулларни, шигил мева содир хурмо дарахтларини кўлб ҳавасимиз янада ортди. — Меҳр боғи онанинг қалбида унади деганларини рост экан, — дейди Доно опа сўз аввалида. — Турғунбой ака билан турмуш қурганимизда замон бошқача эди. Яратганга шукрлар бўйсин, бугунгидек



саналади. Яратганга шукр, бугун 12 нафар набиранинг бобо-бувиси бўлиб, кексалик гаштини суриб яшаёмиз. Оиладаги аҳил-иноқликнинг бош омили аввало меҳр-оқибат деб биланам. Болаларимга ҳам бир-бирларига доимо меҳр-оқибатли бўлишни ўқираман.

Мабодо водий тарафларга йўлингиз тушса, албатта Янгикўрғонга келиб, биз таърифлаётган намунали маҳалла ва ибратли оилалар тажрибаси билан танишинг. Ободлик ва аҳиллик бор жойда ҳаминша тотувлик, осойишталик ва тўқинлик бўлаверади.

Нигора ҲОЛОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Наманган вилояти.

Акс садо

ХИРА ТОРТМАЙДИГАН ОЙНА

Севимли газетамизда Гулрух Мўминованинг “Сизни она дейишдан уялман” деб номланган мақоласини ўқиб, орамизда она, волида деган улуг номларга номуносиб ишлар қилиб юрган аёллар ҳам борлигини афсусландик.

Ҳаммамиз ҳам умид билан ўстириб тарбиялаган фарзандларимиз камолини кўрмоқни, ва албатта улар ортидан раҳмат эшитмоқни истаймиз. Бироқ бунга қуруқ истакнинг ўзи етарлимикин? Уларга оқ-қорани танитиш, инсоний фазилатларни ўргатиш, сабр-қаноат, катталарга ҳурмат-эҳтиром каби тушунчаларни сингдириш кўпроқ оналаримиз зиммасига тўшмайди? Айниқса, қиз бола тарбияси жуда нозик масала бўлиб, унда онанинг ўрни бекиёс. Доно халқимизда “Куш уясида кўрганини қилади”, “Онасини кўриб қизини ол” деган нақллар бекорга айтилмаган. Агар оила бекасининг ўзи фаросатсиз, молпараст, кўпроқ моддиятни биринчи ўринга қўядиган бўлса, очик-сочик, алламбало либосларни кийиб олиб, тўйма-тўй ялло қилиб юрса, эртага уларнинг тутумини кўриб ўсган қизнинг яхши келин, вафодор рафиқа бўлишига ким қафолат беради?

Айрим тўйлардаги кўнгилсиз ҳолатларни кўра билатуриб, маҳалла оқсоқоллари, фаолларнинг кўз юмиб кетаётганига не дейсиз?

Тўғри, беш бармоқ баравар эмас. Бугунги кунда ҳам оилада, ҳам жамиятда ўз ўрнига эга, иккала кўтбин ҳам баб-баравар олиб бораётган ақлли, доно, аёллик ҳаёсию ибосини йўқотмаган, чинакамига мўътабар зот деган номга муносиб хотин-қизларимиз ҳам талайгина. Уларнинг бир-бириндан иқтидорли, хар томонлама комил, спортчию олим, эл севган санъаткору ҳуқуқшунос ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказаятганига хар қанча ҳавас қилса арзийди. Шундайлар борлиги учун ҳам олам мунаввар ва гўзалдир. Бизнинг ўзимиз болаларимиз учун сал нарсасига хира тортмайдиган, ойна вазифасини ўташимиз шарт!

Файзулло МУҲАММАДИЕВ,
Каттақўрғон педагогика коллежи ўқитувчиси.
Нурхон АҲМЕДОВА,
олий тоифали ўқитувчи.

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

кўнундаги ўқув курсларига тақлиф этади:

| | |
|---|---|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Гўзаллик салоҳига тайёрлаш — 1 ой. |
| Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). |
| Ҳамшира — 6 ой, 4 ой ўқиси, 2 ой амалиёт. | Тўқувчилик — 2-3 ой. |
| Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан). | Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой. | Бисер, яъни мунчок тикиш — 2 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой. |
| Торт олий курси — 1 ой. | Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой. |
| Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой. |
| Аёллар сартарошлиги — 3 ой. | |
| Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой. | |
| Бухгалтерия ҳисоби — 2 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. | |

Барчаси амалиёти билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқиниш тугатганларга ДИПЛОМ берилди.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 31-уей 31-хона.
МУЎЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уей 40-хона. МУЎЖАЛ:
Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қичдуси)

Семинар-тренинг

БОЛА РИВОЖЛАНИШИДА оила ва жамиятнинг роли каттадир

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида “Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини ёритишда ОАВнинг роли” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган 30 дан ортқ ОАВ ходимлари иштирок этди. Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш масалалари устувор аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб, семинар иштирокчиларига ОАВнинг аҳоли ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бола ривожланишида оила ва жамиятнинг роли билан боғлиқ масалалар, бола ҳуқуқлари юзасида Ўзбекистонда қабул қилинган қонунчилик асослари ва уларнинг амалдаги ижроси ҳамда мазкур жараёнда ушбу соҳа ролига боғлиқ маълумотлар ва амалий маслаҳатлар берилди.

Семинар машғулотлари етакчи мутахассислар, хорижий экспертлар ҳамда амалиётчи журналистлар томонидан олиб борилди.

Гулноза БОБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ҳисорак қишлоғи аҳли Арофат ая ҳамда Мирҳожиги ота Мирхалловлар оиласига ҳавас билан қарашади. Нега десангиз, бу хонадонда униб-ўсган олти ўғил, бир қизнинг барчаси олий маълумотли, касб-корли, ҳаётда ўз йўлларини топган. Бунда албатта, узоқ йиллар таълим соҳасида фаоллият юритган Мирҳожиги отанинг, қолаверса, бор меҳрини, кези келганда куч-гайратини оиласига, фарзандлари тарбиясига бағишлаган Арофат аянинг алоҳида ўрни бор. Эътиборли томони шундаки, бу хонадоннинг беш келини бир-бирдан аёло. Фарзанд тарбиясида, рўзгор тутишдан тортиб, пазандачиликда ҳам оиланинг сўянчи бўлмиш қайнона уларга бош-қош, барча қувончу ташвишларда маспахатчи, кўмакчи. Шу боис Арофат ая билан қайнона-келини муносабатларининг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳусусида суҳбатлашшни жонз деб топдик.

— Арофат опа, қайнона бўлиш ҳам бахт дейишади. Аввало, одобли келинлар қайнона ҳам она эканлигини яхши биладилар. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Аслида қайноналик жуда катта масъулият. Албатта, янги келинга меҳрибон она, моҳир тарбиячи, билимли муаллима сифатида билмаганларини сабр-тоқат билан ўргатиб, ўз оиласидаги тартиб-қоидаларни ётиги билан тушунтириб, уни аста-секин йўлга солишда қайнона сабр-тоқатли бўлиши лозим. Зеро, келинни тарбиялаш, ғам-хўрлик кўрсатиш бутун оилани, келажак авлодни ўйлаш демакдир. Ахир бугун тушган келин эрта-индин она бўлади. Мабодо у хато қилса ёки оилада тушунмовчилик рўй берган ҳолларда қайнона алоҳида вақт топиб, келини билан босиқлик билан чин юракдан гаплашиб, тушунтирганига не етсин. Қолаверса, оқила қиз севган инсонининг онаси унга кучоқ очиб, меҳр берса, бунга жавобан солиха фарзанд бўлиши керак-да.

— Мана сизнинг бир эмас, беш келинингиз бор. Эшитишимизча, улар ўртасидаги аҳил-иноқликка ҳамманинг ҳаваси келармиш. Бунинг сири нимада?

— Уйда келинларнинг сийрати, гап-сўзи ва ўзини тутиши ҳар хил бўлади. Уларнинг ҳаммасини бир қолипда иш юритишга мажбурлаш тўғри эмас. Бу борада қайнона келинларга ижобий ҳислатларни шакллантириш, ёмонларини йўқотиш ҳақида маслаҳат бергани дуруст. Уларнинг барчасини бир кўзда кўриб, бир хил муомала қилиш керак. Аҳил-иноқликнинг кўзга қўринмас сирини шахсан мен шунда кўраман. Зеро, “Бугудой нонинг бўлмаса ҳам бугудой сўзинг бўлсин”, деб беҳиз айтилмаган-ку.

— Назаримда қайнона, аввало, ўз иши, яъни одоб-ахлоқи, муомаласи, саришталлиги, юриш-туриши билан келинга ёнрат бўлмаса, қуруқ ўғитдан фойда йўқ-ку!

— Дарҳақиқат, қиз онадан, келин эса қайнонадан андоза олади. Ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани,

Қайнонали келин қарқара бўлса, қайнонаси-чи?

келинга ҳеч қачон бировни олдида танбеҳ бермаган яхши. Зотан, “Ёмонни ёмон десанг, арпа бўйи қўшиллар, ёмонни яхши десанг, ахир инсофга келар” деган ҳикмат бор. Ёшларнинг тажрибасизлиги, ҳаётнинг паст-баландини тушунмаслигини олдида, аксинча, бағрикенглик қилиш, уларни алқаб, айланиб-ўргилиб йўлга солиш қандай яхши. Ҳолбуки, қайнона қайна-маса, келин айинмайди. Ўзимдан қиёс, уйда бир-бирдан чақон, пазанда келинларини бўлса-да, ҳар бир ишда ханузгача уларга бош-қошман. Уларга рўзгорнинг қами-кўстини тўлдириш, тадбирли бўлишни ўргатишдан сира эринмайман.

— Мана бугун сизнинг ўзингиз қайнонаси, айтинг-чи, қайнонагизни қандай хотирлайсиз?

— Оилада кенжа келин эдим. Қайнонам жуда ақлли, жаннати аёл эдилар. Бешинчи келиннинг тушириганимда ҳам ўзлари оқ фотиҳа берганлар. Орадан

шунча йиллар ўтса-да, уларнинг тўнғич ўғлимни уйлантириганимда берган ўғитлари менга бир умрлик сабоқ бўлди. Шундан баъзиларини сизларга айтиб берсам, фойдадан холи бўлмайди.

Аввало, қайнона келинни ўз боласидай кўриб, “қизим, болам-бўтам”лаб уй-рўзгор ишларини, билмаганларини эринмай ўргатгани яхши. Негаки, беҳиз бизнинг халқимизда “Қайнонали келин қарқара келин, қайнонаси келин масҳара келин”, деган мақол айтилмаган.



Фарзандларининг аҳил-иноқ оила қуришини истаган ҳар бир она келинга ўғилнинг, ўғилга келиннинг ижобий ҳислатларини топиб мақтаб, асло шикоят қилмайди.

Иззатини билган аёл ўз фарзандлари олдида келиннинг обрўсини кўтаришга ҳаракат қилади, чунки бошқалар ҳам унинг муомаласига қараб ўрганади.

Яна бир жиҳати, эр-хотин гап талашиб қолса, илжи борица қайнона келин тарафида бўлгани тузуқ. Чунки ўғил ўзиники, қаттиқ гапирса ботмайди. Ваҳоланки, бунақа пайтада келинга бир оғиз гап айтиш жанжални кучайтиради, холос.

Энди тушган келин ота-онасини кўргиси келса, очиқ юз билан дарров рухсат беринг. Ҳамма ҳам бошида ота-онани соғиниб туради, кейинчалик ўзидан, рўзгоридан ортиб боролмайди ҳам.

Қайнона келини олдида бошқа келинларнинг ҳуснини, сепини, кийим ва тақинчоқларини, ўзга кудаларининг сарфу харажатларини, сарпо-суруқларини мақташи жоиз эмас. Чунки бу билан у ўзини камситилган ҳис қилади. Аммо бошқаларнинг одоби, муомаласи, пазандаллигини ўрнини топиб, ибрат қилиб кўрсатса бўлади. Келиннинг қилган ишдан, овқатидан, юриш-туришидан ҳадеб айб топавериш одобдан эмас.

Агар ўғлингиз хотинига совға-салом олиб келса, “Нега менга ёки синглингга қўшиб олиб келмадинг?”, дея жанжал кўтаришга шошилманг. Балки пули етмагандир ёки бошқа сабаби бордир. Кейинчалик ётиги билан ўзига тушунтириш жоиз.

Қайнона “Келиним ёмон чиқди, ўғлимга бошқа хотин олиб бераман” деб асло ўйламаслиги керак. Яхши сўз билан ёмон инсофга келади, ёмон сўз билан яхши ёмонга айланади. Бу гапни мен ўзимча тўқиб чиқармаганман, халқнинг орасида бор.

Бу ўғитларга амал қилмоқ учун кўп нарса талаб этилмайди: озгина ақл-фаросат, ширин сўз, меҳрибонлик кифоя. Фарзандининг турмуши ширин бўлсин, деган она ёшларнинг камчилиги, хатоларини ҳам кечиришни билиши керак. Зеро “Қатталар ёшлар учун кўприк” дейилишида ҳам ҳикмат кўп.

— Бўлғуси қайнона, келинларга маслаҳатларингиз.

— Оқорида қайноналарга қайнонанинг ўғитларини илдиним. Келинларга келса, аввало келин бўлиб тушган янги оилага илк таассурот асосида баҳо беришга шошилмасликлар лозим. Вазмин, сабр-тоқатли, илжи борица ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши фазилятларини кўришга ҳаракат қилганлари маъқул. Шундагина уларнинг янги оилага мослашиб, яшаб кетиши осон кечади. Келин янги хонадонга беш қунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келади. Демак, барчани бирдек иззат-ҳурматлаш, айниқса, қайнона билан юлдузларини мослашга ҳаракат қилмоғи лозим. Зеро, келин дилбарлиги, ширин-сўзлиги, қамтарлиги, инсонийлиги, чақонлиги, меҳнатсеварлиги билан ўзига-ўзи бахт ва тахт яратади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА
суҳбатлашди.

Бу хатни спеларга йўллашдан олдин жуда кўп ўйладим. Лекин бир амаллаб ўзим ҳақимда ёзмишга куч топа олдим. Оллоҳ севган бандаларини кўп синовдан ўтказадди, дейишадди. Билмадим, бу синовим, ёки?..

Икки нафар фарзанднинг онасиман. Ўғлим 10, қизим 7 ёшда. Ўқишни тамомила, энди ишга жойлашган кезларим. Вилоят бошқармасида кутқарувчи бўлиб ишлардим. Уша пайтларда идорада қурилш ишлари ҳам қизгин кетаётган эди. Ёланган усталардан бири атрофимда парвона бўлиб қолди. Унга рўйхушлик берма-сам-да, ҳар куни ортимдан соядек эргашарди. У акасига ёрдамга келаятганини, ўзи бошқа жойда ишлашини айтиб, таништирди. Бир куни ана шу йигитдан уйимизга совчи келди. Тўғриси, ўшанда мени сўраб келувчилар жуда кўп эди. Нега десангиз қиз бола бўлишимга қарамасдан шундай ноёб касб эгаси эканлигимга қизиқишган бўлса керак-да.

Хуллас, ҳалиги йигит онасига нияти жиддийлиги, мисиз


БИЛИБ БОСДИМ ТИКАННИ... Тахририятга мактуб

яшай олмаслигини қайта-қайта тайинлаб юборибди. Очиғи, унга тегишга розилик бериб юборганимни сезмай ҳам қолдим. Балки уйи ишхонамга яқинлиги сабабми, ёки бошқа хаёлларга бордимми, рози эканлигимни айтдим. Ҳалигача бундай шошқалоқлигимни кечиролмайман.

Тўйдан кейин “олий маълумотли” деб таништирган куёвнинг миси чиқди — билсам, у зўрға 3 синфни тамомлаган экан! Аста-секин унинг муддатли ҳарбий хизматни ҳам ўтамаганлиги, ҳеч қаерда ишламаслиги, ҳаммадан қарздор эканлиги маълум бўлди. Бу оиладагиларнинг деярли бари маънавий қашшоқ одамлар экан. Бир ойдаёқ обдон сўраб-суриштирмай қурган оилам пой-девори омонат эканлиги маълум бўлди.

Энг ёмони, тўйда менга аталган зебу зийнатлар, сарпо-ю кўрпа-тўшаклар ишонасизми, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилардан вақтинчага олинган экан! Бундай савдоларни

кўриб, эшитиб, ёқамни ушла-ддим. Лекин осмон узоқ, ер қаттиқ эди ўша маҳалда. На илж, тақдирга тан бермасликнинг чораси йўқ эди. Шу орада қайнонам ҳам тинчлик бермай қўйди, эримни ҳар куни менга



қарши қайрарди. “Бу қиз бизнинг тенгимиз эмас. Мен айтган қизга уйланмадинг. Уни бой хонадоннинг боласи деб ўйлаб, адашган эканман”, деб жаврарди. Мен эса бу ёғи давлат хизматида, у ёғи рўзгор, қолаверса, қўшимча жойда ишлардим. Хуллас, шу алпозда 6 йил оиламни сақлаб қолиш учун

ҳаракат қилдим. Орада икки фарзандли бўлдим. Эрим онамнинг кўнглини ололмайман, деб ҳар куни дўппосларди. Охири бу ҳўрлик ва асабузариқлардан жиддий тобим қочиб, касалхонага тушдим.

Мен шифохонада ётган кунлари бу оиладан ҳеч ким йўқламади. Анча вақт даволангач, уйга қайтдим. Турмуш ўртоғим, ҳол-аҳвол сўраш ўрнига энди уларга керак эмаслигимни, онаси бошқа қизга уйлантирмоқчи эканлигини ошқора айтди. Мен ота-онамнинг ёнига қайтиб бориб уларнинг юзини ерга қаратишни истамадим. Ишхонамга яқин жойдан ижарага уй топиб, бир онахонниқда яшай бошладим. Турмуш ўртоғим ҳар куни келиб жанжал кўтаргани учун судга ажрашиш учун ариза бердим. Суд куни эрим қайнонам билан келишиб, мени ёмонотлиқ қилиш мақсадида турли хил тўхматлар уюштиришди.

Мен уларнинг зикна, маънавий қашшоқ кимсалар эканлигини билардим, лекин бу қадар

тубан, разил эканлигини билмаган эканман. Судда уларнинг ҳеч бир гапи тўғри эмаслигини, ҳеч нарса талаб қилмаслигини, фарзандларимга ўзим ғам-хўрлик қилишимни айтдим. Бизлар қонуний ажрашдик. Ўтган вақт мобайнида собиқ эрим икки марта уйланиб ажрашди. Бунга қаранги, иккала турмушидан ҳам фарзанд кўрмади. Ҳа, ўз болаларига ақалли битта хўрозқанд кўтариб келиш тугул, бирон марта кўришга ярамаган ота бугун фарзандсизлик доғи билан яшапти.


Бахт деб ўйлаганим сароб бўлиб чиққанлиги учун қайта турмуш қуришни хохламадим. Хатим орқали айтмоқчи бўлганим, қизларжон, турмуш қуришдан олдин бўлажак турмуш ўртоғингизни, унинг оиласини обдон суриштиринг. Менга ўшаб, тиканини кўра била туриб босманг! Ҳаёт инсонга бир марта берилади, кўзингизни каттароқ очинг!

Сурхондарё вилояти,
СЕВАРАнинг мактубини
Нилуфар САПАЕВА
тайёрлади.



ЗАНЖИР ҚАДАГИЧЛИ БУЛОҚ

Тайвань пойтахти Тайбэй шахри яқинидаги боғлардан бирида жудаям ноъбанавий бўлган "Жуминг" (Juming) музейи жойлашган. Унинг намойиш этиладиган экспонатларини кенг жамоатчилик катта қизиқиш ва бетакрор ҳайратлар ила томоша қиладилар. Музейнинг ўзига хослиги шундаки, ғайриоддий, қизиқарли ҳайкалтарошлик намуналари ёғоч, тош, бронза, пенополистирол, керамика, зангламайидиган пўлат ва бошқа материаллардан ишланган. Ушбу шедеврлар муаллифи номи аллақачон бутун дунёга машҳур бўлиб кетган моҳир ҳайкалтарош Чжу Минг (Ju Ming) ҳисобланади. Дарвоқе, ушбу музейни шахсан



унинг ўзи шахсий маблағи ҳисобига очган.

Бу ҳайкалтарош 1938 йилда туғилган. Чжу Минг ўтган асрнинг 70-йилларида Тайванда довруғ тарата бориб, бироз кейинроқ эса, яъни 1983 йилга келиб, унинг ҳайкалтарошлик ишлари Нью-Йоркда ҳам тан олинган. Чжу Минг ҳаёти давомида 18 марта "Осий маданиятига қўшган ҳиссаси учун" мукофотига сазовор бўлган. Бундан ташқари у махсус техника ишлаб чиқди ва ўз ҳайкалларини яратишда ундан самарали фойдаланди.

Музейнинг бир қадар оригинал ва қадрли экспонати ҳисобланмиш "Зипер булоқ" номли сунъий кўл ҳайкалтарошининг энг машҳур асарларидан



биридир. Тўғриси айтганда, бу кичик кўлнинг ўзи эмас, балки унинг те-вароғи, яъни қиргоғига ишланган ба-дийий безак сайёҳлар эътиборини тор-тади. (Эсингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонида чақмоқ тугма ёки занжи-рли қадағич ҳақида маълумот келтир-гандик.) Ушбу кўл қиргоғи тошлардан худди улкан занжирли қадағич шакли-да ишлангандир. Сайёҳларнинг эъти-рофича, бу каби ғайриоддий санъат асарлари ҳар қандай зеркувчан ода-мининг ҳам эътиборини тортмай қолмай-ди.

Дарвоқе, кўл атрофидаги экспози-циялар орасида кириш туйнуги улкан занжирли қадағич шаклида ишланган чодирни ҳам кўришингиз мумкин. Ёки занжир қадағичли тош ҳамёнга нима дейсиз? Хуллас, бу каби ажойиб экс-понатлар бир қарашда сайёҳлар қизи-қишини орттиришига шубҳа йўқ.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

БИР МЕҲРИБОН БОРМИКАН?

Тўғриси, сизларга мурожаат қилиш-дан аввал анча иккиландим. Кудан-дали аёл бўлсам, турмуш қурмоқчили-гимни эшитганлар нима деб ўйлашар экан, деб мулоҳаза қилдим. Ўғлим ҳам уйланадиган ёшда.

Кўз очиб кўрган эрим болаларим кичкиналигида вафот этган. Бевалик, етимлик азобларини сўраманг. Кейин қишлоқдан фарзанд кўрмаган бир кишидан сўраб келишди. У билан ўн беш йилдан зиёдрок бирга, яхши ҳаёт кечирдик. Аммо қонуний никоҳдан ўтиш ҳа-ёлимизга келмабди. Эрим топганини уйга олиб ке-лар, ичмас, чекмасди. Қизимни ҳам ўз фарзан-дидек кўриб, ҳеч кимдан кам қилмай турмушга узатди. Кутилмаганда оғир касалликка чалиниб, дунёдан ўтиб қолди...

Раҳматли эримнинг ҳали йили ўтмасданоқ қайнукам "Ке-линойи, ҳаракатингизни қилинг, мен бу уйга ўғлимни уйлантирмоқчи-ман", деб қолса бўладими. Хуллас, биз ҳозир шунча йил яшаган ҳовлида ижа-рада яшаб турибмиз. Ўғлим ишлайди. Лекин унинг маошига уй олиб бўлар-миди? Яқинда ўзи уйланиши керак. Шу-нинг учун, на илож, бизга бошпана бе-риб, қонуний никоҳига оладиган инсон топилса, турмуш қурмоқчиман. Албат-та, ўзим ҳам бекор ўтирмайман. Пи-шириқлар тайёрлаб сотаман. Озми-кўпми рўзгорга ёрдамим тегади. **Ёшим 48** да. Имонли, инсофли, ўғлимнинг ҳам бошини силайдиган 60 ёшгача бўлган бир меҳрибон инсон топилишига умид қиламан.

ОЗОДА опа,
Тошкент вилояти.

ҚЎЛИГУЛ ЧЕВАРМАНУ, ЛЕКИН...

Кичкиналигимизда ҳамма опаларим олий ўқув юртига кириб, талаба бўлишни орзу қилишарди. Мен эса ўр

чевар бўламан, дердим. Ниятим холис экан. Мақтанишга йўймангу, маҳалла-мизда энг кўли гул тикувчиман. Кўрпа ёстиқ дейсизми, парда, келинларнинг сарпо кийимларигача тикиб бераман. Хунарим яхши-ю, лекин оила масала-сида мақтана олмаман. Вақтида айрим сабаблар тўғрисида турмуш қуришни ор-қага сурганман. Эндиликда бу ишим-дан қаттиқ афсусланаёман. Ҳозир

ча бўлган яхши фазилатларга эга, кўлида бирон касби бор инсон бўлса, овоз берсин.

ФАРОФАТ,
Тошкент шаҳри.

ҲАССА ЭМАС, ЭР-ХОТИН СУЯНЧИҚ ЭКАН!

— Ассалому алайкум! Мен Муниса-ман, Сурхондарё вилоятидан. Газета-га мактуб ёганимда қашқадарёлик Неъмат ака билан таништирган эдингиз.

— Ҳа, танидик. Анчадан буюн кўнғирок қилмай кўйдингиз. Ҳалиям икки-ланиб юрибсизми?

— Йўқ, уларни бир-икки марта синаб кўрдим, холос. Неъмат ака ҳамма "имти-хон"дан ўтдилар. Бу ҳазил, албатта. У киши билан бир-икки марта учрашдик. Саксон-дан ошган ота-оналари ҳали ҳаёт экан. Уларни кўргани бордик. Бўла-жак қайнона-қайнотамнинг дуолари-ни олдик. Менинг ота-онам оламдан эрта кўз юмишгани учун улар кўзимга жуда иссиқ кўринди. Олдинига ўзимиз-нинг ёшимиз эллиқдан ошиб, момо-бобо бўлганимизда турмуш қуриш та-швишида юрганам бироз эриш туюлган-ди. Аммо Неъмат аканинг ота-оналари билан учрашган, инсон доимо ёнида су-янчиққа зарурият сезишини англадим. Қариганда бу сунячиқ ҳасса эмас, эр-хотин бўлар экан.

Биз ниҳоят яқинда аниқ қарорга кел-дик. Оила қуришнинг эрта-кечи бўлмас экан. Насиб этса яна у кундан кейин никоҳдан қонуний ўтамиз. Сизларга минг раҳмат!



Ёшим 32 да. Билмадим, негадир тен-гим чиқмаяпти.

Опаларим ҳаммаси оилали. Тўғриси, жиянларимни кўрганда ҳавасим келади. Қанийди, менинг ҳам ўз фарзандларим бўлса, бағримга босиб эркаласам, дея орзу қиламан. Албатта, ҳали умидла-рим жуда кўп. Менинг ҳам пешонамга ёзилган инсон бордир, ахир. Балки га-зета орқали мактубимни ўқиб, мени из-лаб қолишар. Уй-рўзгор ишларини яхши биламан. Шириқ таомлар тайёрлаш, дастурхон ясаиш жону дилим. 40 ёшга-

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

УКРОП



Кўкатнинг ушбу тури каротин ва С витамини-га бой. Бу айниқса, кўз учун фойдалидир. У қон бо-симини тушириш хусусиятига ҳам эга. Таркибида каль-ций, фосфор ва магний элементлари бор.

Укропни қон босими паст қилишарга кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда, уларда ҳолсизлик, бош айланиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Агар ўт қопингизда тошлар пайдо бўлган бўлса, уни табобатдаги қади-мий усул билан йўқотиш мумкин. Бунинг учун 2 ош қошиқ укропга 2 ста-кан қайнаган сув қуюсиз ва 15 дақиқа паст оловда қайнатасиз. Совуған-дан сўнг докадан ўтказиб, ярим стакандан кунига 4 маҳал ичинг. Давола-ниш муддати 2-3 ҳафта.

КЎКПИЁЗ

100 грамм кўкпиёзда С витаминининг бир сутка-лик миқдори мавжуд. Шунингдек, унинг таркибида атеросклерозга қарши курашиш хусусиятига эга ан-тиоксидантлар ҳам бор. Кўкпиёз юрак ва қон томир-лари хасталанганларга жуда фойдали эканлиги исбот-ланган. Уни салатларга қўшиб истеъмол қилган маъқул. Лекин, хом кўкпиёзни панкреатит, холецистит, гепатит, ош-қозон ва ичак шамоллашларида истеъмол қилиш мумкин эмаслигини ҳам унутмаслик керак.

СЕЛЬДЕР



Сельдер жуда фойдали кўкат. Айниқса, эркаларда уч-райдиган простата беши шамоллашига ниҳоятда фойда-ли. Бунинг учун сельдер илдизларини майдалаб, устидан 1 литр қайнаган сув қуюсиз. Сўнг 8 соат тиндирасиз. 1-2 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичасиз. Ушбу дамлама ошқозон ва буйрак касалликларига ҳам малҳам бўлади.

20 гр. сельдерга (илдизи билан) 200 мл. совуқ сув қуйиб, 15 дақиқа қайнатасиз. Кунига 2 ош қошиқдан 3-4 марта ичинг. Ушбу дамлама қандли диабет касаллигига чалинганларга ҳам ёрдам беради. Ундан тайёрланган суртма жарроҳликдан қолган яралар-га, куйганда ва ҳар хил тошмалар тошганда суртилса, самара беради. Янги узилган сельдерни майдалагидан ўтказиб, сариёғ билан тенгма-тенг солиб аралаштирилади, қарабсизки, суртма тайёр. Ушбу муолажа-ларни мутахассис маслаҳати билан қўллашни унутманг.


Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ФЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Агарда сиз ойна, дераза ёки музлат-кичга ёпиштирилган эски наклеякалари то-заламоқчи бўлсангиз, ўша жойга майонез суринг ва 15 дақиқадан кейин ёғоч чизигч билан қўриб ташланг.

● Тортни чиройли безашнинг яна бир усули бор. Бунинг учун қоғоздан трафарет ясаб олинг.

Сўнгра уни тортнинг усти-тига қўйиб, қанд упаси ёки какао сепсан-гиз, чи-ро й л и беза-кл-лар пай-до бўла-ди.



● Сочни тўғри парваришлар учун уни ювишдан олдин ёғоч тароқ билан тараш тав-сия этилади. Унутманг: узун сочлар учидан тараш тавсия этилмайди.

● Ҳўл бўлган оёқ кийимни батареяга қўйиб қуритманг. Нам мато билан артган-дан сўнг уни хона хароратида қуритганин-гиз маъқул.

● Чой ва қаҳвадан сўнг ичи қорайиб қол-ган пиёла ёки финжонларни оқартириш учун сирка ва туз аралаштирилган сув билан ювиш тавсия этилади.

● Оқ рангли матолардаги дазмол доғини кетказиш учун ўша жойни ярим стакан сув, 1 чой қошиқ водород пероксида ва ярим чой қошиқ новшадил спирти солинган аралаш-ма билан артиб кетказишингиз мумкин.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ:**ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда дунёда 366 миллиондан ортиқ инсонлар диабет касаллигининг азият чекмоқда. Агар самарали чоралар кўрилмаса, йигирма беш йилдан сўнгра олтинчи одам, XXI аср ўрталарига бориб, ҳар иккинчи одам қандли диабетга чалиниши мумкин экан. Эпидемиологик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда қандли диабетнинг тарқалиш даражаси 5% ни ташкил қилади. Аммо ҳозирги кунга келиб, 128.968 бемор диспансер ҳисобида туради. Шундан 1183 нафари болалар, ўсмирлар эса, 533 нафарни ташкил этади. Афсуски, беморларнинг кўп қисми хануз аниқланмаганлигича қолмоқда. Хўш, қандли диабет қандай касаллик? Юртимизда бу хасталикнинг олдини олиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Адлия ХОЛИҚОВА,
Республика ихтисослашган илмий-амалий Эндокринология маркази бош шифокор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди:

— Қандли диабет моддалар алмашинуви касаллиги бўлиб, келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник аломатларига кўра турлича бўлган хасталиқлар гуруҳини бирлаштиради. Уларнинг барчаси учун хос бўлган жиҳат, қон таркибидagi шакар (глюкоза)нинг сурункали ортишидир. Шу боис танада инсулин етишмовчилиги юзга келганда диабет касаллиги ривожланади. Инсулин юқори даражада фаол гармон бўлиб, у ошқозон ости безининг

нишига ҳамда уларнинг тери остига — ёғ клетчаткаларига йғилишига кўмаклашади.

Қандли диабет касаллигининг асосан иккита тури мавжуд бўлиб, инсулинга қарам бўлган ва инсулинга қарам бўлмаган қандли диабетдир. Биринчи тури кўпинча ўсмирлик, ўспиринлик ёшида пайдо бўлади. Барча беморларнинг 80-90% ида диабетнинг иккинчи тури учрайди. Кўпинча бу дардга ёши 35-40дан ошган, аксарии жуда семириб кетган кишилар мубтало бўлишади. Диабетга чалинган беморларда оғиз қуриши, тез чарчаш, тез-тез пешоб ажратиш, озиш, кўриш қобилиятининг пасайиши, тери жараҳатларининг суясти битиши каби касалликнинг илк белгилари намоён бўлади.

Маълумки, қандли диабет Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан XXI аср эпидемияси деб эълон қилинган ва барча давлатлар жамоатчилиги диабет билан касалланишни камайтириш, эрта ташхис қўйиш, унинг олдини олиш ва даволаш, давлат маблағини тежаш ва жамиятдаги йўқотишларни камайтириш учун курашмоқдалар. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, диабетни ўз вақтида аниқлаб, унинг асоратларини олдини олишга кетадиган харажатлар касалликни даволашда сарфланадиган харажатлардан ўн баробар кам экани ўз ибтдини топди.

Дилфуза БЕРДИҚУЛОВА,
бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди:

— Долзарб муаммолардан яна бири қандли диабетда ҳомилдорлик масаласидир. Авваллари диабетнинг биринчи тури билан касалланган аёлларга туғиш ман этиларди. Бунга сабаб — бемор аёл режалаштирмай, пухта тайёргарликсиз, қанд микдорининг юқори кўрсаткичлари даврида ҳомилдор бўлиб қолганлиги боис, ҳомилдорлик якуни аянчли кечиси билан боғлиқ. Бу каби муаммоларни бартараф қилиш йўлида марказимизнинг диабетология бўлимида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир беморларга нафақат тўлақонли ҳаёт, балки ушбу касалликка чалинган аёл-

Тиббиёт

ларга оила қуриш ва фарзандли бўлиш имконини таъминлаб беришдир. Бизга маълум тадқиқотлар натижаларидан бири шуки, ҳомилдорликнинг муваффақиятли якуни қонда қанд микдори билан бевосита боғлиқ. Энг қувончлиси, бунга эришиш имкони ҳозирги даврда жуда юқори. Мутахассислар фикрича, ҳомилдорлик қандли диабетли беморларда режалаштирилган, яъни ҳомилдор бўлишидан камида 2-3 ой-



дан 6 ойгача олдинроқ мuddатда қандли диабет яхши компенсацияланган бўлиб, бу ҳолат бутун ҳомилдорлик даврида сақланиб қолиши керак. Эмбрион шунчалик тез ривожланадики, ҳатто бемор ҳомилдорлигидан беҳабар бўлиши мумкин. Бу эса, бола учун хавфли, чунки ҳомилдорликнинг биринчи 8-10 ҳафталаарида қондаги қанд микдорининг баланд бўлиши бўлгуси чақалоқларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг асосий сабаби бўлиши мумкин. Муҳими, бемор доимий равишда шифокор назоратида бўлиши лозим.

Бугунга келиб, барча вилоят эндокринология диспансерларида "Диабет мактаби" иш олиб бормоқда. Мактабнинг асосий вазифаси, даволанишга келган беморларни ҳаётга тайёрлаш, ўзини назорат қилишни ўргатишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, қандли диабет — бир умрлик касаллик ҳисобланади ва уни узлуксиз даволаб бориш керак. Бунинг учун бемор касаллигини яхши билиши ва уни даволашда имкони борича кўпроқ ўзи иштирок этиши шарт. Демак, бу дардга чалинган ҳар бир инсон борки, албатта у билан тиллашиши, яшашни ўрганиши, ўзлаштириши зарур.

Нурбек КИДИРАЛИЕВ эзиб олди.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ХИТОЙДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Хитойнинг Хуаншань шаҳрида аънанавий ушу бўйича ўтказилган V жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта кумуш, учта бронза медалини қўлга киритди.

Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан минг нафарга яқин спортчи ушунинг турли йўналишлари бўйича куч синадди.

Эрақлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Азиз Хўжаев кумуш, Шерзод Сиддиқхўжаев бронза медалига сазовор бўлди. Хотин-қизлар мусобақасида қатор турнирлар голибаси Анна Сулаймонова бир жуфт бронза медалини қўлга киритди.

ИГОРЬ СЕРГЕЕВ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТЎПУРАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳужумчиси Игорь Сергеев жорий йилнинг 3-17 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионатининг энг яхши тўпурари совринини қўлга киритди.

У беш ўйинда рақиблар дарвозасига еттита гол уришга муваффақ бўлди. Вьетнам ва Иордания терма жамоаларига қарши ўтказилган учрашувларда "дубль"га эришган бўлса, Корея Халқ Демократик Республикаси, Сурия ҳамда Жанубий Корея терма жамоалари дарвозасига биттадан тўп киритди.

Аҳмаджон Мусаев шогирдлари мусобақани ярим финалда тарк этган бўлса-да, И.Сергеевнинг натижасини рақиблардан ҳеч ким янгилай олмади.

23 ОЧКО**ТАҚДИМ ЭТИЛДИ**

14 ноябрь куни Эрон термасига қарши кечган ЖЧ-2014 саралаш ўйинидаги галаба Ўзбекистон миллий терма жамоаси ФИФА рейтингига 23 очкони тақдим этди. Эронга бўлса, мавжуд балларнинг 42 тага камайишига олиб келди.

Тўғри, ҳали ФИФАнинг декабрь ойи учун рейтинги эълон қилинмади. Аммо, 19 декабрь куни чиқадиган янги, бу йил учун сўнги рейтингда Ўзбекистоннинг очколари сони 490 тадан 513 тага кўпаяди. Бу ҳақда ФИФАнинг рейтингларни ҳисоблаш янги тизими айтиб турибди.

Эгаллаб турган 69-ўринимиз ҳам кўтарилиши кутилмоқда.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.



алоҳида ҳужайраларида ишлаб чиқилиб, жигар ва мушакларда тўпланган глюкозанинг ортиқча микдорини ёғга айла-

қатор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир беморларга нафақат тўлақонли ҳаёт, балки ушбу касалликка чалинган аёл-

ҚОМУСИМИЗДА КАФОЛАТЛАНГАН Муносабат

Ватанимиз ва халқимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаб олди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Бош қомусимизда ҳозирги замон конституцияларидаги умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим меъёрлари мужассамлашган. Унда аиникса, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этилгани эътиборга лойиқдир.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бизнинг ўзбекона миллий қадриятларимиз ва аъналаримиздан келиб чиққан ҳолда, Бош қомусимизнинг алоҳида XIV боби оила масалаларига бағишлангандир. Дарҳақиқат, ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлиги, ва баркамоллигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказадиган муҳим тарбия маскани, бу шубҳасиз оиладир. Жамиятнинг асосий бўлаги бўлган оила ни сақлаш, фарзандлар камолотини таъминлаш аини кунда шу жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсонийлик, қолаверса, фуқаролик бурчи эканлигини таъкидлаш баро-

барида, юртимизда оилалар мустаҳкамлиги, ёшларнинг бахтли ҳаёт кечириши ва фарзандларимизнинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш бугунги кунда нафақат давлат ва жамиятнинг, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Шунингдек, Бош қомусимизнинг "Оила" боби 64-моддасидаги қуйидаги сўзларга эътибор берайлик: **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар"**. Мамлакатимизда дунёга келган ҳар бир фарзанд, токи у ўсиб-улғайгунча албатта, ота-она бағрида ўсиб, камолга етиши лозим. Зеро, Конституцияимизнинг ҳаётбахш ва инсонпарварлигини қарангки, не-не орзу-ниятлар билан фарзанд тарбиялаётган инсонларнинг яхши яшashi, ишлашини кафолатлаш билан бирга, уларнинг зиммасидаги энг асосий вазифа — ўғил-қизларининг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Роҳат НОРҚУЛОВА,
Ғаллаорол тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлемалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нилуфар САПАЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6207. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5